

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёвнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2019 йил.
2. «Ўзбектўқимачиликсаноат» уюшмасининг статистик маълумотлари.
3. Bob Tricker – Corporate Governance, Principles, Policies and Practices, 3rd edition, Oxford online resources center, 2012. -904 pp.
4. Investment Analysis. Gareth D. Myles. May 2010. -285 pp.
5. 2015 Investment Company. Fact Book. A Review of Trends and Activities in the U.S.A. Investment Company Industry. Copyright © 2015 by the Investment Company Institute. All rights reserved. -312 pp.
6. Steen Thomsen & Martin Conyon – Corporate Governance, mechanisms and systems. McGraw-Hill Higher Education UK, 2012. -367 pp.
7. Анохин И.В. Управление развитием предприятия: Стратегический менеджмент, инновации, инвестиции, цены: Учебное пособие. -М.: Изд-во торговая корпорация «Дашков и Ко», 2012. -380 с.
8. **Дамодаран А.** Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов: Пер.с англ.- 4е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс, 2007. -1340 с.
9. Емельянов С.В. США: государственная политика стабилизации конкурентоспособности американских производителей // Менеджмент Узбекистана и за рубежом №2012 ,3.
10. Теплова Т.В. Инвестиции. Учебник для вузов. -М.: «Юрайт», 2011.
11. Я.Карриева, И.Ахмедов, Ғ.Абдилакимов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. -Тошкент. “Иқтисодиёт”. 2015.
12. www.lex.uz
13. www.worldeconomics.com

### ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ДАВЛАТ-ҲУСУСИЙ ШЕРИКЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ ЎРНИ

**Хайитов Саиджон Бахтиёр ўғли** –  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети таянч докторанти (PhD)

**Якубов Искандар Одилович** –  
И.ф.н. Доцент, “Макроиқтисодий  
таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси, ТДИУ,

**Чориев Фазлиддин Эшполатович** –  
Катта ўқитувчи, “Макроиқтисодий  
таҳлил ва прогнозлаштириш” кафедраси ТДИУ,

**Аннотация.** Ушбу мақолада давлат ва глобал хусусий шерикчилик муносабатлари кўриб чиқилди. Хозирги мавжуд халқаро сиёсат кўп жихатдан шу муносабатларнинг натижаси деб ҳисоблаймиз. Жахон иқтисодиёти ривожланиши тенденцияси даврида ривожланаётган мамлакатларга қўйиладиган талаблардан бири, албатта, иқтисодиётнинг саноат тармоғининг салоҳияти даражаси бўлиб турибди. Ҳукуватимиз мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун мавжуд барча омиллардан фойдаланмоқда. Ушбу тадқиқотда, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига таъсир этувчи омиллардан бири, янги тадбир сифатида қабул қилинган фактор – давлат-хусусий шерикчилик механизмини такомиллаштириш ва миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш кўзда тутилган.

**Таянч сўзлар.** Давлат-хусусий шерикчилиги муносабатлари, Харакатлар стратегияси, миллий инновацион тизим, инновацион иқтисодиёт, такрор ишлаб чиқариш, инновацион фаолият, экологик иқтисодиёт, барқарор ривожланиш.

## РОЛЬ МЕХАНИЗМА ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются отношения государственного и глобального частного партнерства. Мы считаем, что нынешняя международная политика во многом является результатом этих отношений. В ходе тенденции развития мировой экономики одним из требований к развивающимся странам является, безусловно, уровень компетентности промышленного сектора экономики. Наше правительство использует все имеющиеся факторы для дальнейшего повышения экономической эффективности страны. В данном исследовании приведены один из факторов, влияющих на экономический рост страны, фактор, принятый в качестве новой меры – совершенствование механизма государственно-частного партнерства и изучение и анализ инновационного развития национальной экономики.

**Ключевые слова:** Отношения государственно-частного партнерства, Стратегия действий, национальная инновационная система, инновационная экономика, воспроизводство, инновационная деятельность, экологическая экономика, устойчивое развитие.

## THE ROLE OF THE PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP MECHANISM IN INNOVATIVE DEVELOPMENT

**Abstract.** This paper reviews the existing relations between public and private global actors. We argue that current international politics is largely an outcome of these relations. One of the requirements for developing countries in the trend of global economic development is the level of the industrial sector of the economy. Our government uses all available resources to further increase the country's economic potential. In this topic, is planned to investigate and analyze one of the factors of the innovative development of the national economy – the factor adopted as a new measure – is the improvement of the PPP mechanism.

**Key words.** Public-private partnership relations, Action Strategy, national innovation system, international medicine, redevelopment, innovation activity, environmental conditions, sustainable development.

**Кириш.** Жаҳон миқёсида молиялаштириш механизмининг самарадорлигини ошириш, ундаги турли бошқарув ва иқтисодий рискларни камайтириш, инновацион ривожланиш масалалари муҳим саналмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда, ҳамда уларни молиялаштиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ишлаб чиқилган лойиҳалар ижобий самара бериши ривожланган мамлакатлар тажрибасида исботланди.

2019 йилда тижорат банкларининг инвестиция фаолигининг мутлақ кўрсаткичлари сезиларли даражада ошишига қарамай, уларнинг Ўзбекистондаги корхоналарни модернизация қилиш дастурларига киритилган инвес-

тициялар улуши 2019 йилда мамлакатга жалб қилинган инвестицияларнинг умумий ҳисобда 13% даражада қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, сўнги 5 йилдан буён ЯИМ га нисбатан 40-45%дан ошмайдиган молиявий институтларнинг паст даражадаги капиталлашуви ва молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. [1]

Хозирги кунда 2021-2017 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон ривожланишнинг харакатлар стратегияси бўйича энг асосий йўналишларда ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу стратегия макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш, унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни амалга оширишни назарда тутди.

Шунингдек, ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кучайтириш ва хусусий мулкнинг устувор ривожланиш лойиҳаларига жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишни рағбатлантириш каби иқтисодий қарашларни ўз ичига олади.

ДХШ лойиҳаларини амалга оширилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24 та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 65та қарорлари ва 43та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари инвентаризация қилинди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5та қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 8та қарорига ўзгартиришлар киритиш таклиф қилинди. [2]

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Давлат-хусусий шерикчиликнинг иқтисодий-ташкिलий потенциали тўғрисида – Э.В. Балашов ва Э.А. Наумовлар ўзларининг илмий ишларида фан ва инновациялар соҳасидаги давлат-хусусий шерикчилигининг корпоратив моделларини ёритиб берганлар. Бундан ташқари Беларуссиянинг Гомел инжинирлик институти профессори Э.А. Федоценко ҳам ўзининг илмий ишларида Касб-хунар таълими соҳасида давлат-хусусий шериклик шакллари тўғрисида ўзқарашларини очиб берган. Давлат-хусусий шеркиликнинг иқтисодий, институционал ва бошқарув жиҳатлари мавзусини ёритиб берган олим бу– Беларуссия информатика ва радиотехника давлат университети профессори Колосов А.С. хисобланади.

Иқтисодчи олим И.Е. Болехов эса “Ҳамкорликдаги ҳаракатлар майдони. Давлат-хусусий шерикчилиги инновацион иқтисодиёт белгиси сифатида” асарида “ДХШ – давлат идоралари ва хусусий бизнес ўзаро иттифоқи ҳисобланиб, унинг мақсади – иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан то мамлакат миқёсида ёхуд унинг айрим ҳудудларида хизматлар кўрсатишга қадар ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни яратиш ва ривожлантиришдан иборат”, деб қайд этади [3].

Бундан ташқари, В.Г. Варнавский, А.В. Клименко ва В.А. Королев ҳаммуаллифлигидаги “Давлат-хусусий ҳамкорлиги. Назария ва амалиёт” номли ўқув қўлланмасида “ДХШ –

давлат ва жамоатчилик мулки объектлари, шунингдек, кенг доирадаги иқтисодий фаолият турларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамоатчилик идоралари, муассаса ва корхоналари томонидан ижро этилувчи ва кўрсатилувчи хизматларга нисбатан давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро таъсирнинг юридик жиҳатдан мустақамланган шаклини намоён этади” деб таъкидлашади [4]. Е.А. Дынин ҳам “ДХШ – ижтимоий неъматлар яратиш ёки ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун узоқ муддатли ва ўзаро фойдали асосда жамият (давлат ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш)нинг моддий ва номоддий ресурсларини бирлаштириш жараёнидир” деб уқтириб ўтади [5]. Давлат ва хусусий шерикчилиги турли халқаро молия ташкилотлари, хорижий ва миллий иқтисодчи олимлар, мутахассислар томонидан ҳар хил талқин этилади. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ, ингл. OECD – Organisation for Economic Co-operation and Development) ДХШ ни – ҳуқумат ва бир ёки бир нечта хусусий шерикларнинг (ўзаро бажарувчи ёки молиялаштирувчи ташкилот бўлиши мумкин) ўзаро келишуви бўлиб, унга биноан шериклар хизматларни шундай тақдим этилишини таъминлайдики, бунда давлатнинг хизматларни тақдим қилиш ва хусусий инвесторнинг фойда олиш мақсадлари ўзаро муштарақ бўлади ҳамда мазкур алоқанинг самарадорлиги хусусий шерикка рискларни қандай тақсимланганлигига боғлиқлигини қайд этади. М.Б.Жерард эса ДХШ – бу хусусий капитални ўзига жалб қилишни ва баъзан эса ижтимоий хизматларнинг сифатини ошириш ёки давлат активларини бошқариш учун давлат капиталини ҳам жалб қилишни уйғунлаштиради деб таъкидлайди [5]. Халқаро Валюта жамғармаси томонидан берилган таърифда эса “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарзда таъминланадиган инфратузилмавий активлар ва хизматларни хусусий сектор томонидан тақдим этишга қаратилган келишувдир” деб таърифланади [6]. Давлат-хусусий шерикчиликнинг иқтисодий-ташкиллий имкониятлари тўғрисида О.С. Белокрыловой, Б.Г. Варпавского, Л.И. Ефимовой, О.А. Ломовцевой, В.А. Михеева, Т. Санниковой, Б. Столярова и А. Шмарова каби олимларнинг ҳам ишлари ўрганилиб чиқилган.

Шу билан бирга, Патрик Т.И. Лам, Венжинг Янг (Patrick T.I. Lam, Wenjing Yang) тадқиқот натижаларида шуни кўрсатадики, барча лойихалар ҳам ДХШ шаклига мос келавермайди, ёки самарасиз бўлади. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги қарорлар қабул қилишдаги қарашлар турлича бўлиши мумкинлиги ва қайси лойихаларда ДХШ механизмини ишлатиш тўғрисида фикр юритган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақола таҳлил ва таққаслаш методлари асосида тадқиқ этилган. ДХШ шерикчилигининг ривожлантиришда сабаблар, далиллар ва статистик маълумотларни солиштириш ва таққослаш ҳамда илмий мушоада, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция методларига асосан кўриб чиқилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳаракатлар стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан иқтисодийни модернизация қилиш ва мамлакатга инновацияларни жорий этишга боғлиқлигини англаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан бир қатор қонун ҳужжатлари имзоланди. Шу аснода, 07.05.2018 йилдаги “Саноат ва иқтисодийга инновацияларни жорий этиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3698 қарори имзоланган. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда келгуси йиллар учун амалга оширилиши учун “йўл харитаси” ишлаб чиқилган ва дастурлар амалга оширилмоқда.

21.09.2018 йилда “2019-2021 йилларда Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш стратегияси” бўйича Президент фармони имзоланди.[3].

Ушбу стратегиянинг мақсади инсон капиталини риволантиришга қаратилган. “Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш стратегиясининг асосий вазифаси, давлат ва хусусий маблағларнинг инновацияларга, илмий тадқиқотлар, конструкторлик ва технологик ишларга жалб қилиши тартибини оширишга қаратилган.

Ҳаракатлар стратегиясининг Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича кўзда тутилган вазифаларни сифатли ечими, шунингдек, бир қатор иж-

тимоий муаммоларни ҳал қилиш, институционал ўзгаришларни талаб қилиш ва жадал ривожланайтган инновацион муҳитда давлат ва бизнес ўртасида самарали шериклик учун зарур шартшароитлар яратилиши билан боғлиқдир.

Давлатнинг изчил ижтимоийиқтисодий риавжланиши ва ташқи бозорда унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, аввало, замонавий миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланишига боғлиқ. Миллий инновацион тизимнинг барча элементларини яратиш ва самарали ўзаро иқтисодий алоқалар инновацияларни тезлаштиришни таъминлаш ва инновацияларни рағбатлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак.

Фикримизча, инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришнинг муҳим шarti бу инновацион муҳитни яратишдир. Инновацион муҳит бу иқтисодий агентларнинг инновацион фаолиятига таъсир этувчи шартшароитлардир. Инновацион фаолият илм-фан, техника ва технология ютуқларини тижоратлаштиришнинг самарали воситаси бўлиб, мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлигини белгиловчи элемент бўлиб, бошқа нарсалар қатори қулай инвестицион муҳитига асосланади. Ўз навбатида, қулай инвестиция муҳити инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга имкон беради.

Замонавий шароитларда ДХШ механизми фирмалар ва корпорациялар ва хусусий капиталнинг инновацион фаолиятидаги иштирокини рағбатлантирувчи механизм бўлиб, бу давлат ва иқтисодий тизимларга инвестициялар, технологиялар ва бошқа ресурсларни бирлаштиришга, фойда ва хатарларни бўлишига имкон беради. Инновация соҳасидаги ДХШ механизмининг барча иштирокчилари, ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ҳамда хатарларни тақсимланиши батафсил баён этилган инфратузилма объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш каби индивидуал лойихалар доирасидаги ўзаро муносабатларга асосланади. Айнан инновация соҳасида ДХШ механизми иштирокчилар томонидан самарали деб ҳисобланган ўзаро ҳамкорликдаги турли модел ва формаларни ишлаб чиқиши мумкин.



Инновацион тадбиркорлик замонавий бозор шароитларига тезкорлик билан жавоб бера оладиган ва юқори талабга эга рақобатбардош юқори технологик махсулотларни оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўядиган корхоналарни яратиш ва ривожлантириш учун илмий-техник ва ишлаб чиқариш сохалари ўртасида боғловчи вазифасини бажаради.

Иқтисодий ривожланишнинг инновацион шаклида, давлат томонидан ДХШ механизмининг инновацион фаолиятига алоҳида этибор қаратиши талаб этилади. Давлат-хусусий шерикчилик механизми, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда ривожлантириш стратегиясини амалга оширишда ниҳоятда самарали бўлиши мумкин. Бундай модел, илмий-техника янгиликларини (инновацияларини), янги технологияларни, махсулотлар турларини кўпайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланишни, шунингдек, миллий такрор ишлаб чиқариш соҳасида ташкилий ва институционал лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутди.

Давлат-хусусий шерикчилик механизмининг илмий техникавий ва инновацион соҳалардаги биргаликдаги фаолияти давлатнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган инновацион лойиҳаларини амалга оширишга, ресурсларни умумий бошқаришга жалб этиш жараёнида, ДХШ иштирокчиларининг барчасини фаол иштирок этишини таъминлаши мумкин. Яъни, ресурсларнинг бирлашишига янги технологияни яратиш, уни эксплуатация қилиш ёки ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ишчи кучи, моддий ва номоддий активлар, ускуналар, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг бирлашишини назарда тутди. Хамкорлик фаолияти шериклар томонидан шериклик тамоилларини қабул қилиниши,

амалга оширилиши ва ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этишни ихтиёрий равишда қабул қилишлари лозим. Шу билан биргаликда, лойиҳани бошқаришда инновацион махсулотлар сифатини таъминлайдиган стандартлар, техник регламентлар ва қоидаларга амал қилиниш талаб этилади.

Дунё мамлакатларида ДХШ лойиҳалари таҳлили ҳам кўриб чиқилган. 3.2-жадвалда келтирилган маълумотларни таққослаш, ана шу “Катта еттилик” мамлакатлари умумий ҳолатдан ажралиб туришини кўрсатади, чунки уларда етакчи ўринни йўл қурилиши эмас, балки соғлиқни сақлаш соҳаси эгаллаб турибди. Ушбу тоифадаги мамлакатларда ДХШ лойиҳалари сони бўйича етакчи бўлган учта йўналиш мавжуд: соғлиқни сақлаш (184 лойиҳа), таълим (138 лойиҳа) ва йўллар (92 лойиҳа).

Шунинг учун бозор иқтисодиёти, меҳнат унумдорлигининг юқори даражаси, аҳоли жон бошига ялпи ички махсулотнинг ижтимоий ҳимояси, таълим ва соғлиқни сақлашнинг юқори сифати билан ажралиб турадиган мамлакатларда ДХШлар асосан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида қўлланилади

Ушбу мамлакатлар механизмдан фойдаланиш бўйича устувор йўналишлари мавжуд: 1. АҚШ – автомобил йўллари; 2. Буюк Британия, Германия, Канада ва Франция – соғлиқни сақлаш; 3. Германия – таълим.

“Кучли еттилик”га кирувчи (G7) мамлакатларидаги ДХШ лойиҳалари учун молиявий кўрсаткичлар бўйича эришилган ютуқларга мисоллар қуйидагилардан иборат: кенг полосали тармоқ; А6 автомагистралли (606 миллион евро); А355 автомагистралли (560 млн евро), Франция; А94 автомагистралли (500 миллион евро), Германия.

### 1- жадвал

Дунё мамлакатларида тармоқлар бўйича ва ривожланиш кесимида маълумотлар таҳлили

| Тармоқлар         | Ривожланган мамлакатлар       |                               | Иқтисодий ўтиш давридаги давлатлар | Ривожланаётган давлатлар |
|-------------------|-------------------------------|-------------------------------|------------------------------------|--------------------------|
|                   | Кучли Ривожланган мамлакатлар | Ривожланган бошқа мамлакатлар |                                    |                          |
| Автомобил йўллари | 15,2                          | 39,4                          | 65,9                               | 14,3                     |
| Соғлиқни сақлаш   | 29,8                          | 12,0                          | 4,9                                | 7,1                      |

|  |      |      |     |      |
|--|------|------|-----|------|
| Таълим   | 22,4 | 9,5  | 2,4 | 7,1  |
| Турар жой бинолари   | 8,3  | 9,1  | 2,4 | 7,1  |
| Енгил темирйўллар  | 4,1  | 7,9  | 4,9 | 7,1  |
| Қайта ишлаш  | 3,7  | 2,9  | -   | 7,1  |
| Ижтимоий уй-жой  | 3,6  | 1,7  | -   | -    |
| Кўприклар ва туннеллар                                     | 2,1  | 2,5  | 4,9 | -    |
| Ҳарбий-саноат комплекси                                    | 3,2  | 0,4  | -   | -    |
| Сув тозалаш иншоотлари                                     | 1,9  | 2,9  | -   | 14,3 |
| Қамоқхоналар   | 1,5  | 1,7  | 4,9 | 14,3 |
| Кўча ёритиш  | 0,8  | 4,6  | -   | 7,1  |
| Портлар  | 0,3  | 0,8  | 2,4 | -    |
| Аэропортлар  | -    | 1,7  | 4,9 | 14,3 |
| Инновацион технологиялар                                   | 0,3  | 0,8  | -   | -    |
| Ташкилий технологиялар                                     | 0,2  | 0,8  | 2,4 | -    |
| Дам олишни ташкил этиш                                     | 2,4  | -    | -   | -    |
| Коммунал иқтисодиёт  | 0,2  | 1,2  | -   | -    |
| Лойиҳаларнинг умумий сонидagi мамлакатлар гуруҳининг улуши | 67,6 | 26,4 | 4,5 | 1,5  |

**Манба:** тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Инновация соҳасида ДХШ қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

– Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий сектори томонидан шериклик шартлари тақдим этилиши керак бўлади;

– Давлат ва хусусий шерикнинг ўзаро муносабатлари расмий (шартнома, протокол, дастурлар) хужатлар билан тасдиқланиши талаб этилади;

– Томонларнинг умумий мақсади аниқ ва ягона бўлиши ва шу билан бирга давлат томонининг манфаатлари аниқ кўрсатилиши шарт;

– Умумий мақсадга эришиш учун хар икки томон ўз маблағларини бирлаштириши талаб қилинади;

– Харажатлар ва рискларни томонлар ўзаро келишган олда тақсимлаб олилари шарт ва шу аснода олинган даромадларни

тсарфлашда иштирок этиш жараёнини келишиб олишлари лозим бўлади. [4].

Давлат учун ДХШ механизмнинг жозибадорлиги шундаки, давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлигининг оширилиши, миллий иқтисодиётнинг инвестиция ва инновацион таркибий қисмларини кўпайтириш, бюджет харажатларини камайтириш билан бир қаторда бюджет даромадлари ҳажмини ошириш, жамиятнинг ижтимоийиқтисодий ҳаётидаги устувор йўналишларнинг тизимли муаммоларини хал қилишдадир.

Инновацион соҳадаги давлат-хусусий шериклик қилишининг мақсади, илмий-техник ривожланишни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош саноатни шакл-

лантиришдир. Ушбу ҳамкорлик доирасида давлатнинг роли қуйидагича бўлади:

– Давлат барча иштирокчилар фаолияти учун ҳуқуқий асосларни, қулай институционал муҳитни яратади.

– Фундаментал билимларни ишлаб чиқишга қўмаклашади (давлат илмий марказ-

ларида, академия ва институтларда) ривожланган технологиялар ва бизнес бўйича керакли маълумотлар базасини тақдим этади, ўз навбатида ўз тадқиқотлари асосида технологияларни яратади ва илмий ғояларни ишлаб чиқади, амалиётга тадбиқ қилади.

## 2-жадвал.

### Ўзбекистонда ДХШ ни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилаётган лойихалар<sup>1</sup>

| Соҳа             | Лойихалаштирилганр                        |             | Лойихалаштирилаётганлар                                      |             |
|------------------|---|-------------|--|-------------|
|                  | Тури                                      | Лойиха сони | Тури   | Лойиха сони |
| Соғлиқни сақлаш  | Гемодиализ марказларини ташкил этиш       | 1           | Фармкоммитет ҳамкорлигида Онкология марказини ташкил этиш    | 1           |
|                  |   |             | Реабилитация марказини ташкил этиш                           | 1           |
|                  |   |             | Кўп тармоқли шифохона қуриш                                  | 1           |
|                  |   |             | Диагностикамаркази   | 1           |
|                  |   |             | Стерилизация маркази ташкил этиш                             | 1           |
| Транспорт        | Кўприклар қуриш                           | 2           | Автобус терминалларини модернизация қилиш                    | 1           |
| Коммунал хўжалик |   | 3           | Сув ва иссиқлик таъминоти ишлари (алоҳиди ҳудудлар кесимида) | 2           |
| Энергетика       | Иссиқлик ва қуёш электр станциялари қуриш | 9           |  |             |
| Таълим тизими    |   |             | Сергели туманидаги 11та мактабни модернизация қилиш          | 1           |
| Қишлоқ хўжалиги  |   |             | Кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги сервис марказлари               | 1           |

Давлат хусусий шерикчилик агентлигининг маълум қилишича, ҳозирги кунда 15 та

йирик ДХШ механизми остидаги, қиймати 6.8\$ млрд. бўлган лойиха амалга оширилмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси МолияВазирлиги қошидаги ДХШ риволантириш агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Улардан 9 та лойиха энергетика соҳаси бўйича, 2 та лойиха транспорт, 3 та лойиха коммунал хўжалик йўналишида ва 1 та лойиха соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилмоқда.

Энергетика соҳасида ДХШ лойихаси асосида Навоий вилоятидаги қуввати 100Мвт бўлган лойиханинг хусусий шериги бу БАА нинг “Masdar” компанияси бўлиб, 1 квт/соат электр энергияси учун 2.67 цент таклифи билан тендерда ғолиб бўлди ва қурилиш ишлари хозирда давом этмоқда.

Булардан ташқари, агентлик билан бир-галикда яна 10 та лойиха ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шулардан 5 та соғлиқни сақлаш соҳасида лойихалаштирилмоқда, 1 та таълим соҳасида, яна 1 транспорт ва 2 та лойиха коммунал хўжалик учун лойихалаштирилмоқда.

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши Халқ таълими, Мактабгача таълим ҳамда Олий ва ўрта махсустаълим вазирликлари тизимида давлат-хусусий шерикчилик асосида замонавий таълим муассасалари, Соғлиқни


сақлаш вазирлиги тизимида инновацион хизмат кўрсатувчи тиббиёт марказларида барқарор иш ўринларини яратилишида қонуний асос бўлиб хизмат қилди.

Жумладан, давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ишга тушган ижтимоий ва бошқа объектлар ҳисобига 12,1 мингта иш ўринлари ташкил қилинди.

2019 йилда фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган **1059 та** объектлар амалга ошириш ҳисобига **13,5 мингта** иш ўрни яратилган.

Давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ишга тушган ижтимоий ва бошқа объектлар ҳисобига **14,2 мингта** иш ўринлари ташкил қилинган бўлиб, шулардан бюджет маблағлари ҳисобига **238 та** лойихада **4,6 минта** иш ўрни, давлат хусусий-шерикчилик асосида **1 699 та** лойихада **9,6 мингта** иш ўрни яратилган.

Амалга оширилган ДХШ лойихалари сони



1-расм. Бугунги кунга қадар амалга оширилган ДХШ лойихалари

Шу кунга қадар Давлат-хусусий шерикчилик агентлиги томонидан амалга оширилган лойихаларга эътибор қаратадиган бўлсак, бу соҳада ўзини оқлаган ва энг кўп қўлланилган тармоқлар бу – таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидир. Ушбу тармоқларнинг сон жиҳатидан энг кўп қўлланилганлиги турли сабабларга боғлиқдир. Соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия тизимларида муаммолар ва етишмовчиликлар ва тизимга талаб юқорилиги сабабдан биринчи навбатда ислох

қилишни талаб этувчи соҳалардир. Шу билан бирга бу соҳаларда кадрларнинг мавжудлиги ишни осон кечишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатни доиравий боғлиқлик кўринишига келтириш мумкин. **Муаммонинг мавжудлиги – унга ечимнинг мавжудлиги – ечимни қўллаш учун ресурсларнинг мавжудлиги – лойиха самараси учун шароитнинг (қонун ва тартиб) мавжудлиги ва лойиха маҳсулотининг истеъмолчиларга етказиш механизмининг мавжудлиги лойиха-**



ларни амалга оширишда энг мухим омил хисобланади.

Мисол тариқасида Таълим тизимида мавжуд муаммолардан бирини кўрайлик.

**Муаммо** – бу мактаб ёшидаги ахоли қатламини қмраб олиш даражаси.

**Унинг ечими** – янги мактаблар очиш. Мактабларни реконструкция қилиш баробарида сиғимини ошириш.

**Ресурслар** – Ер ресурси, молиявий ресурслар, қурувчи мухандислар, менежерлар, малакали педагог кадрлар, маънавий ресурслар.

Тадбирнинг шу қисмига келганда бизда молиявий муаммолар юзага келади ва моддий бойлик излашга тушилади. Демак давлат барча бюджет маблағларини мактабларга сарфлай олмаслиги сабабдан моддий бойликка эга шерик қидиради ва шериклик асосида боғчалар, мактаблар ва таълим даргохлари қуришни таклиф этади. Моддий бойликка эга шерик хусусий маблағларини сарфларкан, ўз сарфлаган даромадидан фойда олиш истигида бўлади. Натижада қурилган мактаблар тижорат масканига айланади. Ва ўз навбатида аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилади.

**Лойиха самараси учун шароит (қонун ва тартиб) мавжудлиги**– шу ўринда ушбу кўринишдаги шериклик масалаларини ҳар икки томон давлат ва хусусий шерик манфаатларига хизмат қилувчи қонуний ишланмалар ва низомлар мавжуд бўлиши талабэтилади. Шу билан бирга жамият манфаатлари йўлида амалга оширилиши кутилаётган лойихаларда жамияннинг ҳам фикри инобатга олинувчи тизимларнинг мавжуд бўлиши муҳимдир.

**Истеъмолчилар** – тижорий шаклдаги мактабларга тўлов қобилиятига эга ва хусусий шаклдаги мактабларни устун кўрувчи фуқаролар хисобланади. Устунлигининг асосий сабаби, малакали кадрларни моддий рағбат эвазига жалб қилиш, истеъмолчига бир қатор имкониятлар ва имтиёзлар бериш ва эвазига ҳақолиш, муҳитнинг бир поғони юқориликка истеъмолчиларни ишонтириш.

Юқоридаги тахлилий тушунтириш орқали иқтисодийнинг бошқа соҳаларида ҳам шу каби масалага ёндашиш самари дебет билан. Агарда лойиха ва ундан кутилаётган манфаатлар энг юқори даражада бўлган

тақдирда ҳам унинг ижрочи кадрлари ёки бошқа ресурслари мавжуд бўлмаса, унда лойиха тузишни ана ўша етишмаётган ресурс учун, кадр таййорлаш учун таклиф киритиш керак.

Республикада умумий сони 19 316 та мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилган, уларнинг 6 258 таси давлат ва 13 058 таси нодавлат (795 та хусусий, 11 212 та оилавий ва ДХШ асосидаги 1 051 та нодавлат МТТ) мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этмоқда. Ушбу мактабгача таълим ташкилотларида 1 760 808 нафар бола ёки мактабгача ёшдаги аҳолининг 62,4 фоизи қамраб олинган.

Бошланғич мактаб таълим билан қамраб олиш даражаси 100 %ни ташкил қилади, бироқ ўрта синфларда (5–9 синфлар) ўқитиш бўйича маълумотлар мактабга қатнамайдиган ёки иккинчи йилга қолдирилган болалар борлигини кўрсатмоқда, чунки бу даврда ўқитиш билан қамраб олинганлик даражаси атиги 94% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг фақат 91 % 5–9 синфларни муваффақиятли битиради. Бутун мамлакат бўйлаб 25–30 ёшдагиларнинг 12% гина олий маълумотга эга. Мактабгача таълимга, сифатли умумий ўрта ва олий таълимга эга бўлиш аёллар ва эркеклар учун, ногиронлиги бўлган болалар, шаҳар ва қишлоқ болалари, кам даромадли оилалар болалари учун катта фарқ қилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодийнинг инновацион ривожланишига ҳам, миллий лойихалар ва дастурларни амалга оширишда ҳам давлат-хусусий шерикчилик механизмнинг долзарблиги аниқ ва равшан намоён бўлади. Шу билан бирга, турли хилдаги ресурслар ва уларнинг манбааларини мақбул ва самарали жалб этиш, шунингдек, қонунчилик базасини мос равишда яратиш учун ҳукумат, бизнес, фан, таълим ва жамият манфаатларини мувофиқлаштиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Инновацион соҳада бизнес ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлигини ошириш самарали иқтисодий сиёсатни шакллантириш, инновацион фаолликни ошириш ва иқтисодий-ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш учун муҳим шартлардан биридир.

Бизнинг фикримизча, бизнес ва давлатнинг ўзаро таъсирининг янги ташкилий шакллари ва механизмлари доирасида иқтисодиётнинг инновацион ўсиши янада тезлашувига асос бўлади. Давлат хусусий шерикчилиги инновацион ривожланишнинг тезлаштирувчи механизми сифатида қаралиши керак деб ҳисоблаймиз.

Шу билан биргаликда, ДХШ механизми асосида ташкил этиладиган лойиҳаларда уларнинг экологик, иқтисодий, сиёсий ва албатта ижтимоий оқибатларини инобатга олган ҳолда ислох қилиш керак – деб ҳулоса чиқарамиз. Сабаби, келгуси авлод учун бугунги кунда биз томондан қўйилган хатоларни бартараф этиш ва нотўғри қарорлар асосида юзага келадиган глобал муаммоларга қарши курашиш учун вақт ва маблағ сарфламасликлари лозим. Акс ҳолда,

инсоният барқарор ривожланиш даражасига ета олмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидагиларни таклиф сифатида киритишимиз мумкин:

1. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон капитали бозорига чиқишни таъминловчи ДХШ лойиҳаларини танлаши керак.

2. ДХШ механизми инновацион ривожланишни тезлаштирувчи омил сифатида қаралиб, маҳаллий бозорга хорижий инвестицияларни жалб қилишни шакллантирувчи ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарур.

3. ДХШ лойиҳаларини ишлаб чиқишда ёки танлашда экологик ва ижтимоий-сиёсий билимлар ҳулосасига эгаллигини таъминлаш зарур.

### Adabiyotlar ro'yxati

1. Uranova F.T. – “Rasshirenie uchastiya kommercheskix bankov Uzbekistana v proektnom finansirovanii realnogo sektora ekonomiki” Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi – Bank-moliya akademiyasi. T-2020/ s/3-4.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018– yil 20-oktyabrda imzolagan PQ-3980-son «Davlat-Xususiy Sheriklikni rivojlantirishning huquqiy va institutsional bazasini yaratish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar no'garisida.» gi Qarori.

3. 21.09.2018 yil “2019-2021-yillarda O'zbekistonning innovatsion rivojlaishi strategiyasi” PF-5544-son Prezident Farmoni.

4. Balashov E.B., Naumov E.A. Fan va innovatsiyalar sohasidagi DXSHning korporativ modellari to'g'risida // Innovatsion tizimlarda PPP / jami. tahrir. S. N. Silvestrova. – M., 2008. – S. 4–49.

5. Fedosenko E.A. Kasb-hunar ta'limi sohasida davlat-xususiy sheriklik shakllari. N Iqtisodiyot va huquq dunyosi. – N29. – 2011 yil.

6. Kolosov, A.S. Davlat-xususiy sheriklikning iqtisodiy, institutsional va boshqaruv jihatlari / A.S. Kolosov, I.E. Risin / I FES: Moliya, iqtisodiyot, strategiya. – 2011. – N29. – S. 35-38.

7. Kolosov A.S. – “Gosudarstvenno-chastnoe partnerstvo: sodernanie, organizatsiya, upravlenie razvitiem” – mavzusida ilmiy-tadqiqot dissertatsiyasiga avtoreferatdan. 24.11.2011y.

8. С.Б.Хайитов “Саноат корхоналарини инновацион ривожлантириш: назария ва амалиёт” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция илмий мақолалар тўплами – “Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг инновацион ривожланишида давлат-хусусий шериклик механизмнинг аҳамияти”.

9. David Batker (“**Batker Consulting**” LLC, 14420 Duryea Ln S., Parkland, Washington 98444, USA) – “Implementing ecological economics” nomli maqolasi. “Ecological Economics” jurnali. Ecological Economics 172 (2020) 106606. [www.elsevier.com/locate/ecoeco](http://www.elsevier.com/locate/ecoeco).

10. Paul Hartman a, Jeff Ogden b, Ross Jackson – “Contract duration: Barrier or bridge to successful public-private partnerships?” nomli maqolasi. “Technology in Society” jurnali. Technology in Society 63 (2020) 101403. <http://www.elsevier.com/locate/techsoc>.

11. **Чориев Фазлиддин Ишқуватович** – “Давлат корхонасини бошқаришда марказлаштирилган моделнинг афзаллиги-иқтисодиёт ва таълим.2-2022 сон.